
“Ташаббусли бюджет”: Охунқайнарнинг ички йўллари равонлашиб, янгича кўриниш олди

“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида жорий йилда Ўзбекистон туманининг ўзида ҳозирга қадар 50 га яқин муаммо ижобий ҳал этилди. Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлашга қаратилган ободлик тадбирлари жойларда давом этмоқда.

“Қайнар” маҳалла фуқаролар йиғинининг ташаббускор аҳли ҳам лойиҳада фаол иштирок этиб, кўплаб натижадорликка эришиб келаётган юртдошларимиздан.

Лойиҳанинг жорий йилги 2-мавсумида ҳам маҳалла аҳли ўзига хос ютуқни қўлга киритди. Ички йўллارни таъмирлаш юзасидан илгари сурилган навбатдаги таклиф ҳам қарийб 10 мингта овоз йиғиб, лойиҳада ғолиб деб топилди. Бюджетдан ажратилган қарийб 1 миллиард 300 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига йиғин таркибидаги Охунқайнар қишлоғининг 3 минг метрдан ортиқ ички йўллари таъмирланиб, асфальтланди.

Аввалроқ, лойиҳанинг айна шу йилги 1-мавсуми доирасида кўрсатилган ташаббус натижасида Қурбонмерган қишлоғининг ҳам 3 минг метрдан зиёд ички йўллари текис ва равон [бўлган эди.](#)





2023-12-25 09:33:15